



IBN SINO
PUBLIC FOUNDATION

VII International Scientific and Practical Conference "ABU ALI IBN SINO AND INNOVATIONS IN MODERN PHARMACEUTICS"

March 18, 2024 / Tashkent



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ИБН СИНО ЖАМОАТ ФОНДИ

**АБУ АЛИ ИБН СИНО ВА ЗАМОНАВИЙ ФАРМАЦЕВТИКАДА
ИННОВАЦИЯЛАР**

VII ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ



**АБУ АЛИ ИБН СИНО И ИННОВАЦИИ
В СОВРЕМЕННОЙ ФАРМАЦЕВТИКЕ**

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ
VII МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

ТОШКЕНТ - 2024

КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ-ТРОПИКАМИД МОДДАСИНИ ХРОМАТО-МАСС-СПЕКТРОМЕТРИЯ УСУЛИ ЁРДАМИДА АНИҚЛАШ

Боисхўжаева А.А.¹, Халилова Н.Ш.¹, Усманиева З.У.²

¹Х. Сулайманова номидаги Республика суд экспертизаси маркази, Тошкент шаҳри,
²Тошкент фармацевтика институти

Долзарблиги: Ҳалқаро муаммолардан бири бўлган гиёҳвандлик муаммоси билан бир қаторда, психотроп ва кучли таъсир этувчи моддаларни ёшлар орасида истеъмол қилиш, унинг таъсирида кўплаб ҳар хил жиноятлар содир этилиши, инсон саломатлигига жиддий жисмоний ва маънавий зарарлар етказётганлиги тўғрисида дунё оммавий ахборот воситалари орқали маълумотлар берилсада, афсуски, бу иллатга қарши кураш етарли даражада ижобий самара бермаётганлиги суд экспертиза амалиётида ўз аксини топмоқда. Сўнгги йилларда экспертиза амалиётида тадқиқот объекти сифатида учраётган номаълум таркибли суюқликларни криминал ўрганиш соҳасида ҳар бир моддага имкон қадар мос келадиган ҳамда аниқроқ натижа берадиган усул ва услубиятлардан фойдаланиш янги маълумот олиш гарови бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг мақсади: Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази амалиётида бундай моддаларни тадқиқ этиб, уларнинг қайси турга мансублигини ва номини аниқлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш вазифаси суд-тергов идоралари томонидан тез-тез қўйиб келинмоқда. Жумладан, Марказга фуқаро А.Салимовдан олинган далилий ашё - бир дона оқ рангли ҳеч қандай ёзувларсиз елим флакон ичида рангсиз, тиниқ суюқлик тақдим этилди. Экспертлар олдига ҳал этиш учун “А.Салимовдан олинган далилий ашё-елим флакондаги суюқлик таркибида гиёҳвандлик воситаси, кучли таъсир қилувчи ва психотроп моддалари мавжудми, агар мавжуд бўлса, қайси туркумга мансублиги аниқлансин” вазифаси қўйилди. Ушбу вазифани бажариш мақсадида текширишга тақдим қилинган елим флаконнинг ичидаги рангсиз, тиниқ суюқликдан 1мл шиша флаконга олиниб, унинг устига 1 мл 96% этил спирти солиниб, «SONOREX» русумли ультратовушли хаммомда 400°C да 10 минут давомида экстракция қилинди. Ҳосил бўлган экстрактни филтрлаб, тадқиқот учун фойдаланилди.

Усул ва услублар. Текширишга тақдим қилинган намунанинг гиёҳвандлик воситаси, кучли таъсир қилувчи ва психотроп моддалар бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида тайёрланган эритмадан микрошприц ёрдамида 1 мкл.дан олиб АТ 5973 inert русумли хромато-масс-спектрометрда DrugSP-SPLITLESS-100-H₂.М усули билан қуйидаги таҳлил шароитида текширилди: HP-5MS 5%ли фенилметилсилоксан билан қопланган капилляр колонка, узунлиги 30 м, масс-селектив детектор, газ-ташувчи- водород, инжектор ҳарорати 280⁰ С, колонка ҳарорати – дастурлаштирилган 150 дан 280°C гача, таҳлил учун олинган намуна миқдори 1 мкл.

Текширилган намуна хроматограмма ва масс-спектрлар пиклари масс-спектрларнинг NIST02.L., NIST11.L., Wiley225.L., SWDRUG.L., CAYMAN-SPECTRA.L., SWDRUG3.5.L. номли маълумотлар базаси кутубхонасидан идентификация қилинди.

Натижалар: Ушбу шароитда олинган хроматограмма ва масс-спектрларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, текширилаётган намунанинг хромато-масс-спектрида ушланиш вақтлари 13.12 мин.га тенг бўлган пиклар кузатилди, уларнинг молекуляр ионлари 254, 163, 121, 92, 65 m/z бўлиб, унинг тропикамидга тааллуқли эканлиги аниқланди.

Хулоса: Юқоридагилардан келиб чиқиб, текшириш учун тақдим қилинган бир дона оқ рангли ҳеч қандай ёзувларсиз елим флакон ичидаги рангсиз, тиниқ суюқлик таркибида тропикамид моддаси мавжудлиги аниқланди.

Тропикамид Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрь 818-сонли "Ўзбекистон Республикасида кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисида" қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхати (67-позиция)га киради.

Шундай қилиб, экспертиза тадқиқоти учун тақдим қилинган бир дона оқ рангли ҳеч қандай ёзувларсиз елим флакон ичидаги рангсиз, тиниқ суюқлик таркибида кучли таъсир қилувчи модда тропикамиднинг мавжудлиги замонавий, аниқлик даражаси юқори бўлган хромато-масс-спектрометрия усули ёрдамида аниқланди.